

Пайарик тумани

«26» Август 2022 йил

"Diamand builder" МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устав асосида иш юритувчи И.Хасанов номидан, бир томондан ва Пайарик тумани хокимлиги, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устав асосида иш юритувчи З.Эргашев номидан, иккинч томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

#### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га Пайарик тумани хокимлигига Махсулотлар олиш, "Буюртмачи" ушбу "Махсулотлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Суммаси	Бахоси
1	Стекло	Кв.м	12	39000	468000
2	Шпатлевка строительная	Упак	15	47000	705000
3	Краска эмаль бир идишида 2кг	шт	107	51000	5457000
4	Шпатлевка строительная	кг	433	849	367617
5					
6					
					6997617

1.3. Шартноманинг умумий суммаси КҶС билан 6997619 (олти миллион туккиз юз туксон етти минг олти юз ун етти ) сўм деб белгиланди.

#### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 2.1. "Буюртмачи"нинг хуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан " Махсулотлар " " Буюртмачи "нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофик тегишли сифатга эга бўлган " Махсулотлар " кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган " Махсулотлар " кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган " Махсулотлар " шунга ўхшаш " Махсулотлар " билан алмаштирилишини;
- " Махсулотлар "нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарап қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

##### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Махсулотлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган " Махсулотлар "ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. « Махсулотлар »га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг ҳақ тўлаш.

##### 2.3. «Бажарувчи» қуидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган " Махсулотлар " учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибида ва ҳажмда узил-кесил хисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган " Махсулотлар "ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарап қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

##### 2.4. «Бажарувчи» қуидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га " Махсулотлар "ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибида бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар " Махсулотлар "ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл кўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

#### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **6997619** (олти миллион туккиз юз туксон етти минг олти юз ун етти сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Махсулотлар" нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Махсулотлар" туркуми суммасининг олдиндан 30 фоизи миқдорида 2022 йил олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Махсулотлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Махсулотлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Махсулотлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб хужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Махсулотлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Махсулотлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Махсулотлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Махсулотлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Махсулотлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Махсулотлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Махсулотлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Махсулотлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Махсулотлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Махсулотлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Кўрсатилаётган "Махсулотлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аникланishi, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Махсулотлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Махсулотлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Махсулотлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Махсулотлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Махсулотлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.
- 5.4. Махсулотлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Махсулотлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Махсулотлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Махсулотлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмагандага "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида маҳсус

хисобрақамидан пеня тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқлади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан уtkазилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар наҳри юкори деб топилган тақдирда ургадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

.6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

7.3. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Пайарик тумани Газначилик булинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан уtkазилгандан сунг конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибida бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар(қўшимчалар) рўйхатдан уtkазилгандан кейин бажарилиши керак.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотиб олувчи»:	"Diamand builder" МЧЖ
Адрес:	Самарканд шаҳар Беруний кӯчаси 45а уй
X/P:	20208000305054308001
МФО:	01097
ИНН:	306325753
ОКОНХ:	
Банк:	САМАРКАНД Ш., "ТРАСТБАНК" ХА БАНКИНинг САМАРКАНД ФИЛИАЛИ
Rahbar:	И.Хасанов



Хукуқшунос  
Лицензия (Диплом) берилган санаси: \_\_\_\_\_

«Сотиб олувчи»:	Пайарик тумани хокимлиги
Манзил:	Пайарик тумани
ш/х:	305122860182247109602018001
ОКОНХ:	97600
СТИР:	200760885
Газначилик бўлинмаси номи	Пайарик тумани бўйича Газначилиги бўлинмаси
	23402000300100001010
Фазна х/в	
Банкнинг номи	Марказий банк Тошкент ш ХКМ.
МФО:	00014
Газначилик СТИР и	201122919
Рахбар:	3.Эргашев



Хукуқшунос:  
Лицензия № 017717 берилган санаси: 22.12.2020 й.